



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
OLIY VA O'RTA MAXSUS  
TA'LIM VAZIRLIGI



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
INNOVATSION  
RIVOJLANISH VAZIRLIGI

## БУХОРО ВИЛОЯТИНИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНТИРИШ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР

### МАВЗУСИДА РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ - АМАЛИЙ АНЖУМАНИ МАТЕРИАЛЛАРИ



БУХОРО-2020

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 январдаги “Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чоратadbирлар тўғрисида”ги ПФ-5611-сонли Фармони.

3. Қарши муҳандислик иктисодиёт институти “Қашқадарё вилоятида туризм соҳасини ривожлантириш стратегияси” амалий лойиҳасининг Қашқадарё вилояти бўйича ижодий-ишчи гуруҳ маълумотлари.

## **БУХОРО ТУРИЗИМИНИНГ ТАРИХИЙ ИЛДИЗЛАРИ**

**Ойбек Рашидов**

**Бухоро давлат университети доценти**

**Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори**

Турон минтақасида кечмиши минг йилларга бориб тақаладиган қадимги шаҳарлар, кўхна кентлар, тарихий қишлоқлар мавжудлиги туркий халқларнинг буюк давлатчилик тарихи ва маданиятидан далолат беради. Ўзбек халқининг аجدодлари томонидан 3000 йил муқаддам юртимизда асос солинган Бухоро шаҳри нафақат Ўзбекистон ёхуд Марказий Осиё минтақаси, балки жаҳон тарихидаги энг кўхна ва қадимий шаҳарлардан ҳисобланади. Хитой манбаларида Бухоронинг ипак йўли чоррасида жойлашганлиги ва шаҳарда сайёҳларнинг гавжумлиги ҳақида маълумотлар келтирилади. Бухорода қадимги даврдан бошлаб сайёҳлик аввало савдо-иқтисодий алоқалар, зиёрат, диний ва дунёвий билим олиш, элчилик муносабатлари (айрим ҳарбий экспедициялар, жосуслик, разветка) ва бошқа бир қатор кўринишларда намоён бўлади.

Бухоро туризмининг тарихини ўрганишда қадимги даврдан то бугунги кунгача бўлган савдо-иқтисодий муносабатлар яъни маҳаллий (ички), минтақавий ва трансминтақавий (ташки) алоқалар муҳим аҳамият касб этади. Бухорода асрлар давомида савдо-иқтисодий ва алоқалар чоррасида жойлашганлиги ҳамда ҳунармандчилик ва савдо-сотик ривожланганлиги тарихий-археологик тадқиқотларда келтирилади. Бу ҳудудда қадимги тош давридаёқ илк алоқалар учун хизмат қилган йўллар шакллана бошлаганлигини кўрсатувчи ашёвий далиллар топилган.

Бугунги кунда сайёҳларни ўзига жалб қиладиган Бухоро шаҳридаги меъморий иншоотларга мадрасалар, миноралар, дарвозалар, масжидлар, мақбаралар, кутубхоналар, ҳаммомлар, тим ва тоқилар, ҳовузлар, хонақоҳлар, саройлар, сардобалар, кўприқлар, қарвонсаройлар ва бошқа обидалар қиради.

Бухоро мадрасалари ўрта асрларда мавжуд бўлган ўрта ва олий ўқув юртлири саналади. Тарихчи Наршахийнинг ёзишича Бухоро шаҳрида 937 йили ёнгин содир бўлган. Натижада Бухорода илк қурилган Фаржак мадрасаси ёниб кетган. Мадрасаларнинг хон мадрасалари, эшон мадрасалари, хусусий мадрасалар каби турлари мавжуд. Тарихий адабиётларда Бухоро амрлигида 356 та мадраса бўлганлиги келтирилади.

Туркистон минтақасида дастлабки минора Бухоро шаҳрида қорахонийлар сулоласи ҳокони Арслонхон томонидан қурилган. Бу иншоот Минораи Калон сифатида машҳурдир. Миноралардан соқчихона (қоровул хонаси, бурж ва динг) сифатида ҳам фойдаланилган (масалан, Вобкент минораси). Бухоро шаҳри ва унинг атрофларида ўн еттита минора мавжуд.

Бухоро аркининг иккита дарвозаси бўлиб, шарқдагиси Ғуриён ёки Алаффурушон ва ғарбдагиси Регистон дарвозаси деб аталган. XX аср бошларида Бухоронинг 12 та Самарқанд, Ҳазрати Имом, Ўғлон Ато, Талипоч, Шергирон, Қорақўл (Ҳаж дарвозаси), Шайх Жалол, Хожа Исмаил, Намозгоҳ, Саллоххона, Қавола (Қарши дарвозаси) ва Мозори Шариф дарвозалари мавжуд бўлган.

Туркистон минтақасида дастлабки масжид Бухоро хисори (қалъаси) ичида 713 йилда Қутайба ибн Муслим томонидан маҳаллий зардуштийлар оташкадаси ўрнида қурилган (ҳозирги Мағоки Агтор масжиди). Масжидлар шаҳарлардан ташқари қишлоқ ва маҳаллаларда ҳам барпо этилган.

Сомонийлар сулоласи даврида Шарқнинг энг бой ва машҳур кутубхоналари Бухорода бўлиб, бу ҳақида аллома Абу Али ибн Сино ёзиб қолдирган. Кутубхоналар душман ҳужуми ва ўзаро урушлар натижасида доим вайрон бўлган, китоблар ўтга ташланган. XX аср бошларида Бухорода 3 та бой шахсий кутубхона бўлган. Улардан Садри Зиёнинг кутубхонаси деярли тўлиқ ҳолатда бизгача етиб келган. Бугунги кунда Бухоро шаҳрида Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро вилоят марказий кутубхонаси ва Наршахий номидаги Бухоро шаҳар болалар кутубхонаси фаолият кўрсатади. Сайёҳлар мазкур кутубхоналарга ташриф буюриб бу ерда сақланаётган қадимий китоблар билан танишмоқдалар.

Шарқ мамлакатларида ўзига хос меъморий услубдаги ҳаммомлар қадимдан маълум. Сомонийлар сулоласи даврида Бухоро, Тароз, Нисо ва бошқа шаҳарларда ҳаммомлар қурилган. Бухорода XVI асрда қурилган Мисгарон ва Саррофон ҳаммомлари ҳозиргача сақланган. Бухоро ҳаммомлари қудуқ суви билан таъминланган ва алоҳида тазар (канализация қувури) орқали сувлар оқизилган. Бу ҳаммомлардан фақат 19 таси бизгача сақланиб қолган.

Бухоронинг қадимги тарихини, унинг моддий ва маънавий бойликларини, авлоддан-авлодга ўтиб келаётган ўзига хос анъаналарни сақлаш, ўрганиш ва тарғиб қилиш билан шуғулланувчи муассасалардан бири музейлар ҳисобланади. Бухоро давлат музейи 1922 йилда Бухоро Халқ Совет Республикаси Нозирлар Шўраси раиси Файзулла Хўжаевнинг ташаббуси билан очилган. Бухоро давлат меъморий-бадий музей-қўриқхонаси жамғармасида 63 минг экспонат мавжуд. Музей-қўриқхонанинг 7 та филиали бор: Бухоро вилоят ўлкашунослик музейи (Арқда), халқ амалий безак санъати музейи (Ситораи Моҳи Хосада), Камолиддин Бехзод номидаги санъат музейи (собик Азов банки биносида) Файзулла Хўжаев уй-музейи (XIX асрдаги тарихий бинода), Абу Али ибн Сино мемориал музейи (Пешку туманидаги Афшона кишлоғида), Ромитан ўлкашунослик музейи (Ромитан шаҳрида) ва Пойкент тарихи музейи (Қорақўл туманида).

Бугунги кунда Бухоро туризми салоҳиятини ошириш борасида самарали ишлар олиб борилмоқда. Хусусан сайёҳлар учун қулай ва хавфсиз шароитлар яратиш ҳамда уларга сервис хизмат кўрсатиш тизими ишлаб чиқилган. Сайёҳлар Бухоронинг халқ амалий санъати ҳисобланган зардўзлик, каштачилик, заргарлик, қандакорлик, қулоччилик, ёғоч ва ганч ўймакорлиги намуналарига катта қизиқиш билдирмоқдалар.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, юртимиздаги қадимий шаҳарлар ва буюк аجدодларимизнинг юбилейи тантаналарини ўтказиш яхши бир анъанага айланди. Ўзбекистонда биринчи бўлиб 1997 йил 18-19 октябрда Бухоро шаҳрининг юбилейи нишонланди. Бухорода ўша кунлари шаҳарнинг 2500 йиллигига бағишланган тантанали маросим ва халқаро илмий конференция ўтказилди. Мазкур тантанали маросимда хорижлик сайёҳларни ўзининг нафислиги ва оҳанги билан лол қолдирган Бухоро шашмақоми ва Бухоро рақсидир. Бугунги кунда Бухоро шаҳрида халқаро анжуманлар, фестиваллар, спорт мусобақаларининг кўплаб ўтказилиши туризм салоҳиятини оширишга хизмат қилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистонда туризмни ривожлантиришда малакавий кадрлар тайёрлаш ва хорижий тажрибаларни ўрганиш ҳамда алмашилиш муҳим аҳамият касб этади. Турли давр ва тарихий шароитларда Ватанимиздан четга олиб кетилган моддий-маданий бойликлар, асору-атикалар, халқ амалий санъати намуналари, қўлёзмалар ва ҳужжатларни мамлакатимизга қайтариб олиб келиш соҳа ривожини янги босқичга олиб чиқади. Мазкур ташаббус натижасида ташкил этилган махсус комиссия фаолиятининг дастлабки босқичи республикамиз халқи тарихи, маданияти ва маънавияти учун қимматли бўлган ҳужжатлар, манбалар, санъат асарлари, маданий ашёларнинг қайси мамлакатларда сақланаётганлигини аниқлашга

бағишланди. 2002 йилдан бошлаб уларнинг айримларини мамлакатимизга қайтариб олиб келишга киришилди. Бунинг учун Россия, Англия, Миср, Туркия, Бирлашган Араб Амирликлари ва бошқа давлатларга мутахассислар юборилди.

#### **Адабиётлар**

1. Муҳаммаджонов А.Р. Бухоро шаҳри – 2500 ёшда (Археологик лавҳалар ва тарих). – Тошкент: “Фан”,1998.
2. Ражабов Қ., Иноятов С. Бухоро тарихи. – Тошкент: “Тафаккур”, 2016. 460-бет.
3. Ражабов Қ.,Рашидов У., Рашидов О. Ғиждувон тумани тарихи. – Тошкент: “Тафаккур”, 2016. 80-бет.

### **МИНТАҚАДА ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА КЛАСТЕР УСУЛИДАН ФОЙДАЛАНИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ**

**Садуллаев Аминбой**  
**Урганч Давлат университети**

Туризмнинг жадал ривожланиши, унинг иқтисодиёт бошқа тармоқларига мультипликатив таъсири, аҳоли турмуш фаровонлигининг ўсиши ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг зарурлигини эътиборга олган ҳолда туризм сектори мамлакатнинг барқарор ривожланишини кучайтиришнинг қудратли воситаларидан бирига айланиши керак.

Туризмни ривожлантириш соҳасида фаол давлат сиёсати олиб борилиши ва тармоққа катта эътибор қаратилиши натижасида кейинги йилларда соҳани ривожлантириш бўйича ҳуқуқий меъёрий ҳужжатлар ва мақсадли минтақавий дастурлар қабул қилинди. Улар асосида замонавий ривожланган туризм бозорининг ҳуқуқий асослари шакллантирилди, туризм бизнеси учун солиқ ва бошқа имтиёзлар механизмлари яратилди, туризм инфратузилмаси модернизация қилинди.

Аммо, жаҳон туризм бозорининг жадал ривожланиш суръатларини ҳисобга олганда, бугунги кунда туризм тармоғини такомиллаштириш ва уни минтақалар комплекс ривожланишини жадаллаштиришнинг ҳамда унга яқин бўлган тармоқларнинг етакчисига айлантириш бўйича кўпгина вазифалар бажарилмасдан қолмоқда. Туризм инфратузилмаси, туристик хизматлар кўрсатиш сифати ва даражаси, мамлакат иқтисодиётига қўшган ҳиссаси дунё туризм бозоридаги глобаллашув ва кучли рақобат

72.	<b>Qilichova O. Z.</b> Turizmda raqamli iqtisodiyot faoliyatini olib borishning ahamiyati	273
73.	<b>Kurbanova M.B., Shamsieva Z.A</b> Gastronomical tourism of Bukhara: traditions and customs	276
74.	<b>Lukiyeв T.X.</b> Turizm sohasiga investitsiya jalb qilishda davlat xususiy sherikchiligidan foydalanish istiqbollari.	279
75.	<b>Mardonova D.Q.</b> Innovatsion iqtisodiyot sharoitida xizmat ko'rsatish sohasining o'rni va ahamiyati	282
76.	<b>Махмудов А.М.</b> Бухоро туризмни ривожлантириш-иктисодий юксалиш асоси.	285
77.	<b>Murodova G.B. Atayeva G.I</b> Turizm sohasida innovatsion texnologiyalari va ularning rivojlanishi.	287
78.	<b>Наврўз-Зода Б.Н.</b> Худудларда туризмни рақобатбардошлигини оширишнинг инновацион йўллари	291
79.	<b>Наврўз-зода З.Б</b> Ислом маданияти пойтахти унвонидаги бухорода зиёрат туризмни ривожлантиришнинг кластер йўли	294
80.	<b>Низамов А., Абдуллаева В.</b> Тонкости туризма анцио (Италия)	
81.	<b>Нурфайзиев Ш., Ўткиров Н.</b> Оммавий туризмнинг ривожланиши	301
82.	<b>Рахматуллаев Ш. Жўраев А.</b> Талаба – ёшларни маънавий - маърифий тарбиясида туризмнинг ўрни.	303
83.	<b>Рахимов А.З.</b> Миллий туризм индустриясини инновацион ривожлантириш ва уни стратегик бошқариш.	304
84.	<b>Рашидов О.Р.</b> Бухоро туризмнинг тарихий илдизлари	308
85.	<b>Садуллаев А.</b> Минтақада туризмни ривожлантиришда кластер усулидан фойдаланиш йўналишлари	311
86.	<b>Садуллаева Б.А</b> Эффективность управления человеческими ресурсами в сфере гостиничного бизнеса	315
87.	<b>Султонов Х.Жўраев А.</b> Мактабгача ёшдаги болалар билан туристик сайрни ташкил қилиш	318
88.	<b>Sultonova M. X.</b> Innovatsion texnologiya va turizm rivoji yoshlar qo'lida.	319
89.	<b>Ro'ziyev S.S., Axmatova M.E.</b> Turizmда mavsumiylikni vujudga kelish sabablari va uning oqibatlari	322
90.	<b>Турдимамбетов И.Р.</b> Қорақалпоғистон Республикасида туристик хизмат кўрсатиш соҳасида инновацион-инвестицион фаолликни ошириш муаммолари	325
91.	<b>Умиров И.</b> Особенности создания созэмт в Самарканде	328
92.	<b>Ўринов Н.Т.</b> Сервисы безопасности	331
93.	<b>Уроқова О., Ўткиров Н.К.</b> Туризмда ижтимоий иктисодий тизим йўналишида амалий аҳамияти	333
94.	<b>Fayzullayeva S.X.</b> Turizm sohasidagi korxonalarining o'ziga xos xususiyatlari va ularni rivojlantirish borasidagi soliq islohotlari.	335
95.	<b>Холиқов О., Ахмедова С.А</b> Коллеж ўқувчиларида туристик сайрларни ўтказиш услубиёти	338